



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (12.026)

Баҳоси эркин нарҳда

**ТУРКМАНИСТОН:**

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСІЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИ

**Бугун, 27 октябрь куни туркман халқи ўз давлатчилиги тарихидаги муҳим воқеа – Мустақилликнинг 20 йиллигини нишонламоқда. Ўтган қисқа даврда Туркменистон давлат қурилиши борасида улкан ютуқларга эришди. Сиёсий, социал-иқтисодий соҳаларда, мамлакат ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди.**

Мустақиллик туркман халқининг бунёдкорлик салоҳиятини ўла ишга солишга ва маънавий-руҳий тикланишига йўл очди. Ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан ишонч билан бораётган Туркменистон жаҳон ҳамжамиятининг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлди ва халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллади.

Сўнги йилларда Туркменистон ҳаётининг барча соҳаларида эришган марралар ва муваффақиятлар, шубҳасиз, Президент Гурбангули Бердимухамедов фаолияти билан боғлиқдир.

Мамлакат тараққиёти, кўп миллатли туркман халқи фаровонлигининг ошишини таъминлашга кўп жиҳатдан Туркменистон Президенти томонидан эълон қилинган, бугунги замон воқелиги ва талабларига, жамият тараққиёти истиқболларини олдиндан кўра библишга таянадиган, Тикланиш ва Туб ўзгаришларнинг янги йўли самараси ўлароқ эришилмоқда. Туркменистон ўз тараққиётининг ҳар бир инсоннинг жамиятда ўзaro ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ижодий имкониятлари ва иқтидорини кашф этиш ҳамда ишга солишга асосланган янги босқичга қадам қўйди. Мустақил тараққиёт йилларида, айниқса, сўнги беш йилда Туркменистонда асосий мақсадга эришилди – халқ янги жамият қуриш зарурлигини чуқур ҳис этиб, мустақил тараққиёт йўлидан ишонч билан одимламоқда ва Янги тикланиш даври муваффақиятига қатъий ишонди.

Сўнги йилларда Туркменистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларини камраб олишга улгурган фаол ички ривожланиш жараёнлари кузатилмоқда. Миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ва ривожлантириш Президент Гурбангули Бердимухамедов раҳбарлигида бошланган ва амалга оширилган ислохотчилик сиёсатининг муҳим жиҳатларидан биридир. Туркменистон Конституциясининг янги таҳририда қабул қилиниши бу йўналишда катта қадам бўлди. Мамлакатнинг Асосий қонунини ўзида давлат тузумининг янги, такомиллаштирилган моделини, демократик институтлар тизимини, давлатнинг мақсад ва вазифаларини мужассам этган.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

**«Ўзэкспомарказ»да  
V Халқаро саноат ярмаркаси  
ва Кооперацион биржа давом  
этноқда**



Аскар Ёқубов  
олган суратлар

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ташкил қилинган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси етакчи саноат тармоқларининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Шу куни электр техника ва қурилиш тармоқлари, автомобиль, транспорт ва транспорт машинасозлиги саноати, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари томонидан тайёрланган 17 тақдимот маросимини ўтказиш режалаштирилган эди.

Тақдимот иштирокчилари бундай тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиёти муҳим тармоқларининг техник ва технологик салоҳияти, ишлаб чиқарилаётган ҳамда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар билан танишиш, тажриба алмашиш имконини беришини таъкидлади.

Бунда мамлакатимиз вилоятлари вакиллари тақдимот маросимлари диққатга сазовор бўлди. Уларда ўзлаштирилаётган маҳаллий ресурслар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

муҳим саноат тармоқлари корхоналари билан саноат кооперациясини ривожлантириш тўғрисида батафсил ахборот берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор талабларига ҳамда турли хил сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятларига тез мослашаётгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида иқтисодиётнинг ушбу сектори учун алоҳида кўргазма зали ажратилди. Бу ерда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ўз экспозициясини намойиш этмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг тақдимот маросимлари ўтказилди. Бу боғлиқликни ушбу етакчи компаниялар фаолияти Ўзбекистоннинг транспорт ва йўл инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилгани билан изоҳлаш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида қонун лойиҳаларида норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллаш ва юридик расмийлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Мазкур қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» маърузаси ҳамда Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, тадқиқотчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида мукамил қонунчилик тизимини шакллантиришга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Яратилаётган барча қонунлар Конституциямизга уйғунлиги ва изчил такомиллаштириб борилаётгани жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётган. Айни пайтда қонунларни ишлаб чиқиш ва маромига етказиб қабул қилишнинг самарали механизми уларнинг ҳар жиҳатдан мукамил бўлиши ва жамият раънақига хизмат қилишини таъминламоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз қонунчилик жараёнини амалга оширишнинг етарли ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри-

сида»ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини расмийлаштириш ва қонунчилик техникасининг воситалари, қондалари ҳамда усулларидан фойдаланишда бирхилликка риоя этиш орқали қонунларнинг юқори сифатини таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий атамаларни амалиётда тўғри ва асосли қўллаш, шунингдек, Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаларини киритишда юридик жиҳатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш бугун долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш, қонунларда тафовутларга, такрорланишларга йўл қўймасликка, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини камайтиришга, қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларга эътиборни янада кучайтириш, қонун ижодкорлигида бой маданий ва маънавий меросимизга, миллий урф-одат ва анъаналарга, замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига таяниш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларда норматив-ҳуқуқий атамаларни қўллашда иштирок этадиган мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишини йўлга қўйиш, амалиётчилар ва тилшунос олимлар, мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Теурийлар тарихи Давлат музейи ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган «Амир Темур ва теурийлар даврида илм-фан ва маданият»

мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Тошкент Фотосуратлар уйида «Токиога 100 йил» фото-кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ** номидаги Тошкент Давлат техника университетиде «Инновация-2011» XVI халқаро илмий-амалий анжумани бошланди.

## ЖАҲОНДА

• Сўнги маълумотларга кўра, Туркияда юз берган zilzila натижасида 481 нафарга яқин одам ҳаётдан кўз юмган.

• Европарламент Европа Иттифоқи томонидан 2012 йил учун ишлаб чиқилган бюджет лойиҳасини тасдиқлади.

• Мексикага «Рина» тўфонининг яқинлашаётгани маълум қилинган. Аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш ишлари олиб борилмоқда.

• Бугун Ирландияда президент сайловлари бўлиб ўтди.

• Таиландда сув тошқинлари натижасида 76 та музофотдан 28 таси вайрон бўлган, ўн мингга яқин заводлар ёпиб қўйилган.

• Монте-Карлода «Спорт ва Тинчлик» Халқаро форуми очилди.

• Кенг миқёсдаги тадқиқотчиларнинг олиб борган изланишларига кўра қаҳванинг тери саратони касалинини олдини олиши маълум бўлди. Қунига қаҳвани 3 мартаба истеъмол қиладиган аёллар ушбу касалликка 20 мартаба камроқ чалинар экан. Эрақларда эса бу кўрсаткич тўққиз фоизни ташкил этади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Гурбангули Бердимухамедов томонидан 2010 йил 14 май кuni тасдиқланган Туркменистонни 2011-2030 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган иқтисодий стратегия мамлакатнинг муваффақиятли ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришилмоқда.

Туркменистон раҳбари ташаббуси билан таълим ва фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар миллий тикланишининг янги босқичида яна бир муҳим қадам бўлди. Бу борадаги чора-тадбирлар доирасида мамлакатнинг барча ҳудудларида юқори суръатларда замонавий жиҳозлар билан таъминланган мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари қурилмоқда, вилоятлар марказларида янги олий ўқув юрталари очилмоқда, компьютерлаштириш, интернет ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг ташаббуси билан 2009 йилда Туркменистон Фанлар академияси қайта тикланди, кўш институт, сейсмология институти, давлат сейсмология хизмати, ботаника институти, физика-математика институти, археология ва этнография институти ташкил этилди.

Мамлакатда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина 2009 йилда Ашхобод шаҳри жанубида жойлашган тиббий шаҳарчаси таркибига икки объект - Халқаро онкология тиббиёт маркази ҳамда Бош

ва бўйин органлари касалликларини даволаш халқаро тиббиёт маркази киритилди. Бундай ўзгаришлар мамлакат ҳудудларида, қишлоқ тиббиётда ҳам кечмоқда. Ўнлаб тиббиёт марказлари, шаҳар ва туман шифохоналари, саломатлик уйлари ва марказлари барпо этилмоқда.

Мамлакат ёқилги-энергетика комплексини ривожлантириш ва уни халқаро энергетика тизимига изчил интеграциялаштиришга йўналтирилган янги энергетика сиёсати Президент Гурбангули Берди-

самблеясининг 2008 йил 19 декабрда бўлиб ўтган 63-сессиясида энергия ресурсларининг ишончли ва барқарор транзити ҳамда унинг барқарор тараққиёт ва халқаро ҳамкорлиги таъминлашдаги ўрнига оид резолюция қабул қилинди. Ушбу резолюцияни Ташкилотнинг барча - 192 аъзоси қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон бетаараф Туркменистоннинг бошқа давлатларнинг ишига аралашмаслик принципиал позициясига асосланган чуқур уйланган ва пухта ташки сиёсий курсини, шунингдек, унинг хавфсизликини мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграция ва минтақамиз мамлакатлари тараққиётига йўналтирилган халқаро ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон - Туркменистон муносабатлари ўз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил октябр ойида Туркменистонга ташрифи ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи бунинг яққол далилидир. Ўтказилган учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги сифат босқичига кўтарди, ҳамкорлик янада ривожланишига кучли суръат бахш этди.

Давлатларимиз ўртасида қарор топган дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат, дўстона қўшничилик ва ҳар томонлама яқин ҳамкорлик муносабатлари келгусида ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари, шунингдек, Ўрта Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлида ривожланиб бораверишига шубҳа йўқ.

«Жаҳон» АА

## ТУРКМЕНИСТОН: ИЖТимоий-Иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг замонавий босқичи

мухамедов томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Сўнгги тўрт йрим йил мобайнида Туркменистон Президенти бу соҳада қатор йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ташаббуси билан қикди. Мазкур лойиҳаларнинг кўпчилиги нафақат Туркменистон ёқилги-энергетика комплексини иқтисодий имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишда муҳим ўрин тутди, балки глобал энергетик хавфсизликини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамият касб этди.

Туркменистон раҳбири томонидан энергетик хавфсизлик соҳасида билдирилган таклифлар юқорида қайд этилган ёндашувларнинг амалдаги ижросига аққол мисол бўлади. Президент Гурбангули Бердимухамедов ташаббуси билан БМТ Бош Ас-

## ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида ташкил этилган давра сўхбати солиқ маслаҳати фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Б.Иминов ва бошқалар майдан кўрсатилиши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилганига қарамай, солиқ маслаҳати бўйича хизматлари ваколатли бўлмаган бошқа шахслар томонидан ҳам кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда. Улар фаолиятини тартибга солишчи тегишли қонун ҳужжатларида солиқ масалаларига оид кўрсатилмаган хизматлар учун жавобгарлик чоралари белгиланмаган. Бу эса нафақат солиқ маслаҳати хизматлари бозори кенгайиши, балки солиқ маслаҳати миллий институти ривожига ҳам тўқсинлик қилмоқда.

манфаатларини ва ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 27 солиқ маслаҳатчилари ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига қўлай шароитлар яратиш мақсадида 2010 йилдан бошлаб солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Амалдаги қонунда солиқ маслаҳати бўйича хизматлар фақат солиқ маслаҳати ташкилотлари - юридик шахс томонидан кўрсатилиши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилганига қарамай, солиқ маслаҳати бўйича хизматлари ваколатли бўлмаган бошқа шахслар томонидан ҳам кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда. Улар фаолиятини тартибга солишчи тегишли қонун ҳужжатларида солиқ масалаларига оид кўрсатилмаган хизматлар учун жавобгарлик чоралари белгиланмаган. Бу эса нафақат солиқ маслаҳати хизматлари бозори кенгайиши, балки солиқ маслаҳати миллий институти ривожига ҳам тўқсинлик қилмоқда.

Қуйи палата томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ушбу масалаларни тартибга солишга хизмат қилади. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда республика микро-молиялаштириш ва нобанк молия сектори соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирларида мувофиқлаштириш чора-тадбирлари қилиниши шарт қилинган.

Йиғилишда мазкур қонуннинг қабул қилиниши солиқ маслаҳати бўйича хизматлар бозорини ривожлантириш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бажарилиши устидан зарур назорат механизминини яратиш, шунингдек, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар сифати янада яхшилланишига хизмат қилиши таъкидланди.

(ЎЗА)

## «Teatre.UZ/2011» халқаро театр фестивали якунига етди.

«Art Week Style.Uz - 2011» санъат ҳафталиги доирасида ўтказилган мазкур театр байрами Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ташкил этилди. Фестивалнинг ёпилишига бағишланган тантанали тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, театр арбоблари, таниқли режиссёрлар, драматург ва актёрлар, юртимиздаги халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, турли мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этди. Президентимиз Ислам Каримов

ган ўрни, Ватанимизнинг мустақил 20 йиллик тараққиёт йўлида бу соҳада қўлга киритилган натижалар атрофида сарҳисоб қилинди, ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари белгилаб олинди. Айни пайтда ёш томошабинлар маънавиятини юксалтириш, уларни «оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоялашга оид долзарб масалалар муҳокама этилди. Юртимиз ва хорижий театр арбоблари иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқларида бугунги кундаги режиссура, драматургия, сценарграфия, актёрлик маҳорати, сахна маданиятини ўзлаштириш хусусида сўз юритилди.

Фестиваль баланду руҳда, юксак савияда ўтказилди. - дейди ЎЗА муҳбирига Халқаро болалар ва ёшлар

## «Art Week Style.Uz - 2011»

### МАЪНАВИЯТ, ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ФЕСТИВАЛИ

раҳнамолигида театр санъатини ривожлантириш, ижодий жамоаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, театр санъатининг барча йўна-

ган ўрни, Ватанимизнинг мустақил 20 йиллик тараққиёт йўлида бу соҳада қўлга киритилган натижалар атрофида сарҳисоб қилинди, ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги истиқболлари белгилаб олинди. Айни пайтда ёш томошабинлар маънавиятини юксалтириш, уларни «оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоялашга оид долзарб масалалар муҳокама этилди. Юртимиз ва хорижий театр арбоблари иштирокида ўтказилган маҳорат сабоқларида бугунги кундаги режиссура, драматургия, сценарграфия, актёрлик маҳорати, сахна маданиятини ўзлаштириш хусусида сўз юритилди.



лишлари ва санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш усулини жаҳон андозалари даражасида йўлга қўйиш юзасидан кенг камровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу эзгу сазъ-харакатлар натижасида халқимизнинг бой маънавияти, маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром туйғуларини, бунёдкор замондошларимиз фаолияти тараннум этилган юксак савиядаги сахна асарлари яратилмоқда.

Бу жараёнда юртимиз ва хориждаги сахна санъати ижодкорларининг самарали ҳамкорлик қилиши учун кенг имконият ва шароитларни яратишга доир қўллаб-қўллаш муваффақиятли амалга оширилмоқда. «Teatre.UZ/2011» халқаро театр фестивали ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Санъат фестивалидан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида мамлакатимиз театр санъатида эришилган ютуқлар билан хорижий мутахассислар ва ҳамюртларимизни яқиндан таништириш, ижодий жамоаларнинг фаолиятини атрофида таҳлил этиш, келгусидаги режалар ва ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб олишдан иборатдир.

Фестиваль ранг-баранг, ёрқин ва қизиклироқ воқеаларга бой бўлди. Тошкентдаги санъат қошоналарида мамлакатимиз ижодий жамоалари, театр-студиялар энг яқин саҳна асарларини томошабинларга ҳавола этди. Айни пайтда Буюк Британия, Германия, Озарбойжон, Украина, Исроил, Россия каби мамлакатлар театрлари спектакллари намойиш этилди.

Тадбир доирасида ўтказилган халқаро форумда Ўзбекистон театрларининг жаҳон театр санъатида тут-

театрлари уюшмаси - АССИТЕЖнинг Буюк Британиядаги маркази раҳбари Пол Харман. - Ўзбекистондаги театр санъати мутахассисларига ҳавассини келди. Негаки, юртимизда ҳар бир театр ўзининг мустаҳкам биносига эга, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижодкорлар меҳнатини эъозлаш давлатнинг доимий эътиборида. Тошкент кўчаларини айландим. Барпо этилган муҳташам санъат саройлари, театрлар, музейларга мафтун бўлдим, одамлар қиёфасидаги хотиржамлик, самимият, эртанги кунга бўлган ишонч, ўз ҳаётидан мамнунлиқни кўриб, завқландим. Буларнинг барчаси Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий барқарорлиқни таъминлаш, барча соҳаларни жадал раванқ топтириш борасида эришилган ютуқларнинг ёрқин самарасидир.

...Тантанавор мусика янграйди. Турли сахна кийимлари намойиш Миллий либослар фестивалига уланиб кетади. Бунда ўзига хос рамзий маъно мужассам. Негаки, театрларимиз учун декорациялар, либослар, ранг-баранг кийим-кечакларни яратишда моҳир дизайнерлар, рассомлар, моделерлар, чевар-усталарнинг хизмати катта.

«Art Week Style.Uz - 2011» санъат ҳафталигидан олган таассуротларимиз таърифлашга сўз оқиз, - дейди Исроилнинг Беер-Шев драматик театри директори Шмуэль Ифраҳ. - Фестиваллар, кўрик-танлов ва кўргазмалар, спектакль премьералари, Ўзбекистонлик театр ижодкорлари билан учрашувлар биз учун беқубиё илҳом манбаи бўлди. Ўзбекистон сахна ижодкорларининг турли миллат ва ёшдаги томошабинлар учун тақдим этган спектакллари мириқиб томоша қилдик. Ўзбек замини азалдан жаҳоннинг йирик маданият марказларидан бири сифатида дунёга донг таратган. Истиқлол йилларида унинг савияси, нуфузи янада ортгани яққол кўриниб турибди.

Ўзбек ва жаҳон драматургларининг асарлари асосида сахнага қўйилган спектакллардан лавҳалар, санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокидаги концертлар тадбир-га катта шукҳ ва кўтаринкилик бағишланди. «Teatre.UZ/2011»нинг муваффақиятли якунлангани эълон қилинди.

Назокат УСМОНОВА

## Шахмат

### РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Тошкентда шахмат бўйича ўтказилган I Марказий Осиё кубоги мусобақасида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов бош совринни қўлга киритди.

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан Марказий Осиё минтақасида шахматни янада ривожлантириш ва оммалаштириш, шахматчиларнинг таърибаси ва маҳоратини ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон, Туркменистон, Қозғистон, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистондан жами элликдан зиёд шахматчи ғолиблик учун куч синашди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодининг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида юртимизда «ақл гимнастаси» - шахмат ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбек шахмат мактаби вакиллари жаҳон шахмат олимпиадаси, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришмоқда.

Швейцария усулида тўққиз турдан иборат бўлган нуфузли мусобақада бош соврин учун кураш сўнгги партиягача давом этди. Турнирнинг мағлубиятсиз якунланган халқаро гроссмейстеримиз Рустам



Қосимжонов тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб, мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин қозғистонлик гроссмейстер Павел Коцурга, учинчи ўрин эса яна бир ўзбекистонлик шахматчи Беғали Саидовга насиб этди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, шахматни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор самарасида кучли спортчилар етишиб чиқмоқда, - дейди ЎЗА муҳбирига I Марказий Осиё кубоги ғолиби Рустам Қосимжонов. - Бу галги турнирда ҳам иқтидорли ёшларимиз таърибали шахматчиларга қарши муносиб донга сурди. Уларнинг орасида катта салоҳиятга эга шахматчилар кўпчилиги барчамизнинг бирдек қувонтиради.

Хотин-қизлар ўртасида барча совринли ўринлар Ўзбекистон вакилларига насиб этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова олтин медални қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Хулкар Тоҳиржоновга, учинчи ўрин Ирина Геворкянга насиб этди.

Халқаро турнирда энг яқин натижага эришган Ўзбекистон терма жамоасига Марказий Осиё кубоги топширилди. **Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ САЛОҲИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг стенида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржага ташриф буюрганлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Бу ерда компания таркибига кирувчи корхоналар маҳсулотлари ва хизматлари тақдим этилган. Улар орасида локомотивларни модернизация қилиш ва қайта тиклаш, юк вагонларини таъмирлашга ихтисослашган «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси, ёпиқ вагонлар қуриш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган «Андижон механика заводи» ва «Қуйиш-механика заводи», «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» бор. Бироқ, юқори тезлик билан юрадиган «Afrosiyob» поездининг ноёб ихчам макети «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг алоҳида эътиборга лойиқ экспозицияси бўлди.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси стратегик ривожланиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ғайрат Рустамовнинг айтишича, компания 2011 йилда умумий қиймати 101,2 миллиард сўмлик шартнома имзолаган. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида компания МФ-120 контакт симлари, турли румусдаги таъминот панеллари, контакт тармоқлари учун полимер ҳамда ВЛ-10 учун штирли изоляторлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таклиф қилмоқда.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Хар йили «Ўзавтоўл» компанияси томонидан қарийб 1800 километр йўл қурилмоқда, реконструкция қилиниб, таъмирланмоқда. Компаниянинг тақдимот маросими доирасида қисқа муддат ичида Навоий шаҳри аэропортининг цемент-бетон қопламали учиш-қўниш полосаси қурилиб, фойдаланишга топширилгани таъкидланди. Нукус шаҳридаги аэропортнинг учиш-қўниш полосаси эса реконструкция қилинди.

Компания «Навоий-Учкудук-Нукус», «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўллари ва Амударё орқали автомобиль ҳамда темир йўл кўприги қурилишида иштирок этди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада иштирок этаётган «Ўзавтоўл» компанияси автомобиль йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлар, аэропортлар ва бошқа иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича хизматларни таклиф этмоқда.

Бугун Ўзбекистон автомобиль саноати жаҳоннинг энг юксак стандартлари бўйича маҳсулотлар тайёрлаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тез мослашиш ва уни йўлга қўйиш имконини берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган қатор корхоналари ўз ичига олган. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўз тақдимот маросимида буларнинг барчасини намойиш этмоқда.

«Ўзавтосаноат» компаниясининг маҳаллийлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Фаррух Зуфаровнинг маълум қилишича, бу йил Маҳаллийлаштириш давлат дастури, Президентимизнинг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисидаги ва 2010 йил 15 декабрда имзоланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорлари доирасида тармоқда 130 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва улар билан компания стендларида танишиш мумкин.

Саноатчилар форумида «Ўзавтосаноат»нинг 28 корхонаси экспозицияси автомобиль саноати корхоналарининг, жумладан, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари салоҳиятини намойиш қилмоқда. Масалан, «MAN Auto Uzbekistan» қўшма корхонаси ва «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти экспозицияси Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«MAN Auto Uzbekistan» қўшма корхонаси қурилиши ва ишлаб чиқариш жараёнлари, металлургия саноати, логистика, қишлоқ ҳўжалиги учун зарур бўлган самосваллар, тиркачлар, самосваллар, тягачлар, автокранларни намойиш этмоқда.

«Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамияти эса кенг жамоатчилик эътиборига саккизта - шахар ва шаҳар атрофида қатнайидиган автобуслар, чикинди ташини машиналари, самосваллар ва бошқа машиналарни ҳавола этмоқда.

Тақдимотлар мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари корхоналари юқори илмий-техник ва инвестиция салоҳиятига эга эканини ҳамда уларнинг истиқболини кенг намойиш қилмоқда.

М.МАМЕТОВА, ЎЗА муҳбири



ХАБАРЛАР

Давоми. Боши 3-бетда.

8.00 ХАБАРЛАР
8.20 «Саломат бўлинг!»
8.40 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси. «Виктория» - «Барселона».

09:00 Суду приқошқак.
10:00 Сегодя.
10:30 Суду приқошқак. Оқончатынли вердикт.

16:20 «Кунгу бекати».
16:25 «Анонс».
16:40 «FM-сабат».
17:00 «Менинг шахрим».

15:40 «Три богатыря и Шамаханская царица».
17:00 Вечерние новости
17:10 «Игорь Тальков. Поверженный в бою».

22:00 «Давр».
22:30 «Робинзон Крузо» саргушаштарлари.
00:00 Ватан меҳри.

17:15 Болалар мусикаси
17:30 Мультифильм
18:00 «Шартизи уйин» б/ф

«Тошкент»
6:00 Кўрсатувлар тартиби.
6:05 «Кадр ортида».
6:20 «Афиша».

ntt
06:30 Мумтоз наволар
07:30 «Форум вақти»
08:00 Болалар соати

ЖУМА, 4

Ўзбекистон

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Икким».

5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7:00 «Икким».

02:45 Детектив уетро на НТВ. Мультифильм.
02:55 Детектив сериал «Эра Стрельца».

02:45 Детектив уетро на НТВ. Мультифильм.
02:55 Детектив сериал «Эра Стрельца».

02:45 Детектив уетро на НТВ. Мультифильм.
02:55 Детектив сериал «Эра Стрельца».

02:45 Детектив уетро на НТВ. Мультифильм.
02:55 Детектив сериал «Эра Стрельца».

02:45 Детектив уетро на НТВ. Мультифильм.
02:55 Детектив сериал «Эра Стрельца».

02:45 Детектив уетро на НТВ. Мультифильм.
02:55 Детектив сериал «Эра Стрельца».

Спорт

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

6:00 «Хайрли тонг!»
6:05 АНОНС.
6:10 «Саломат бўлинг!».

ntt

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

ntt

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

ntt

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

ntt

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

ntt

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

06:30 Мумтоз наволар
06:30 «Пойтақт хабарлари» информацион блок.

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!
Барчамиз истеъмолици сифатида хонадонларимизга етказиб берилаётган соғуқ ва иссиқ сув, газ, электр қувватидан бешинат фойдаланамиз.

ШАНБА, 5
Ўзбекистон
5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

ЯКШАБА, 6
Ўзбекистон
5:55 Кўрсатувлар дастури.
6:00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

ТОШКЕНТ ШАХРИДА
28 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бироз тарқалиб кетишича иқлимнинг яратилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзиллими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бўшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.